

**Тақризчилар:**

юридик фанлар номзоди, доцент **Н.Т.Исмоилов;**  
юридик фанлар номзоди, доцент **Н.П.Азизов**

Х. Х. БАХРАМОВ

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН  
МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

*Ўқув қўлланма*

**Бахрамов Х.Х.**

**Б-30 Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби:** Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 66 б.

Ушбу ўқув қўлланмада маъмурий мажбурлаш чоралари тушунчаси, турлари мақсад ва вазифалари, шунингдек, ички ишлар идоралари хизмат фаолиятида маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ҳамда тартиби ёритилган.

ИИВ олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, тингловчи ва курсантлари, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари курсантлари ҳамда ички ишлар идораларининг амалиётдаги ходимларига мўлжалланган.

**ББК 67.99(5)116.3я73**

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда миллий ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият турли соҳаларидаги мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ва уларнинг ҳаётга қай даражада татбиқ этилиши билан белгиланади. Қабул қилинаётган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга маълум бир ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, чеклаш ёки содир этилган қонунга зид ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар учун мажбурлаш чораларини ҳам белгилайди.

Турли соҳаларда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар учун маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш жамиятдаги мавжуд қонунчилик тизимининг нечоғлик тўғри ва қонуний асосларда татбиқ этилишига боғлиқ. Ушбу маъмурий мажбурият чораларини қўллашда қонунчиликка қатъий риоя этиш катта аҳамият касб этади, чунки уларнинг қўлланилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва дахлсизлигига таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мазкур маъмурий мажбурлаш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Шундай қонун ҳужжатларидан бири бу – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидир.

Ушбу кодексда маъмурий мажбуриятни амалга ошириш ваколатига эга бўлган тегишли давлат органлари (мансабдор шахслар), маъмурий мажбурият чораларини қўллаш тартиби, муддатлари белгиланган. Бироқ давр талаби, шунингдек, юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан келиб чиққан ҳолда мазкур кодексни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу борада, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонуний-

ликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим”<sup>1</sup>.

Маъмурий мажбурият чораларини қўлловчи органлар қаторида ички ишлар идоралари салмоқли ўрин эгаллайди. Зеро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида бевосита ички ишлар идораларига инсон, давлат ва жамият ҳуқуқларини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш учун, давлат томонидан маъмурий мажбурият чораларини қўллаш билан боғлиқ бир қатор ваколатлар берилган.

Шу боис, ички ишлар идоралари ходимлари аввало маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганга қадар инсонлар, давлат ва жамият учун хавф соладиган ҳолатларнинг олдини олиш, зарарли оқибатларини камайтириш ҳамда бартараф этиш, содир этилаётган ҳуқуққа хилоф қилмишларни чеклаш, шунингдек айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш каби маъмурий мажбурият чораларини қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда мақсадга мувофиқ қўллашлари муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ҳимояланиши, тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ички ишлар идораларининг фаолияти ва иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай балоқазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади»<sup>2</sup>.

Бунинг учун ҳозирги кунда хизмат қилаётган шунингдек, бўлажак ички ишлар идоралари ходимларидан маъмурий мажбурият

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.26.

<sup>2</sup> Ислоҳ Каримовнинг Ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

чоралари тушунчаси, турлари уларни қўллаш асослари ва тартибларини аниқ, пухта ўзлаштириб олиш талаб этилади. Ўтган йиллар давомида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилган кенг қўламли, тизимли ислохотлар натижасида унинг барча соҳавий хизматлари, жумладан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати-нинг профилактика инспекторлари институти шаклланиб, фаолияти замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Бироқ, ички ишлар идораларининг маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Улардан бири – ушбу фаолият ва унинг учун кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўқув қўлланмалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, 2009 йилда Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинишини мониторинг қилиш маркази томонидан ИИВ тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати профилактика инспекторларининг МЖТК нормаларига риоя этиши устидан мониторинг ўтказилган. Натижада профилактика хизматларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қанча камчиликлар аниқланган. Жумладан, айрим ҳудудларда масалан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида профилактика инспекторлари МЖТКнинг 248-моддасида профилактика инспекторлари учун белгиланган 9 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари ҳақида етарли маълумот ёки тасаввурга эга эмаслиги аниқланган (атиғи 39, 40% ушбу ваколатлар мавжуд эканлигини аниқ кўрсата олган, демак, 61 ва 60% бу ҳақда аниқ тасаввурга эга эмас). Ёхуд айрим профилактика инспекторлари ўз ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни ва маъмурий жавобгарликка тортиши шарт бўлган ишларни кўриб чиқиш учун бошқа орган ва мансабдор шахсларга юборганлиги ҳолатлари ҳам аниқланган<sup>1</sup>. Бундан ташқари профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда қўлланиладиган маъмурий мажбурлов чоралари орасида алоҳида гуруҳни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсий кўриқдан ўтказиш, ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинишини мониторинг қилиш Маркази томонидан ИИВ тизимида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича аналитик материаллари. – Т., 2009.

ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш, ҳуқуқбузар шахсини, шунингдек, ишнинг бошқа ҳолатларини аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликни бартараф этиш, баённома тузиш, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш, мазкур иш бўйича чиқарилган қарор ижросини, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг юритилишини таъминлашга қаратилган чоралар ташкил этади. Мазкур таъминлаш чоралари ҳуқуқий тартибот, жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини муҳофаза этишда кенг қўлланилиши билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, жамоат тартибини сақлаш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг 75-80% дастлаб маъмурий йўл билан ушлаб турилади ва шахсий кўриқдан ўтказилади. Бу чоралар жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибга таъжовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, амалиётда айрим жойларда мазкур таъминлаш чораларини қўллашда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг бузилиши, МЖТКда кўрсатилган муддатлар, талаб ва тартиб-қоидаларга риоя этилмаётганлиги каби ҳолатлар ҳам аниқланган.

Ушбу ўқув қўлланма бу борадаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда маъмурий мажбурлаш чоралари тушунчаси, турлари мақсади ва вазифалари, шунингдек, ички ишлар идоралари томонидан хизмат фаолиятида маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби ёритилган.

**1-боб.**  
**МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ**  
**ИНСТИТУТИ СИФАТИДА. МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ**  
**ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз раҳбариятининг асосий эътибори Конституция ва қонунларни давр талабига мос тарзда ишлаб чиқишга қаратилди. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшаши керак<sup>1</sup>”.

Бу борада мустақил давлатимиз эса давлат ва жамиятни бошқариш жараёнида муайян вазифалар, функцияларни бажариш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда бошқарилувчи шахсларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатувчи турли усуллардан фойдаланади. Улар давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари деб аталади. Давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари – ҳуқуқий восита сифатида давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун қўлланилади<sup>2</sup>. Ўз навбатида, бошқаруви фаолиятининг усуллари – бошқаруви шакллари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Чунки муайян бошқаруви ҳаракатлари натижасида юзага келган ҳуқуқий оқибат (ҳуқуқий акт) асосидагина бошқаруви фаолиятининг усуллари қўлланилиши мумкин. Аниқроғи, бошқарувининг ҳуқуқий шакли бўлган бошқаруви ҳужжатининг қабул қилиниши у ёки бу усулнинг қўлланилишига асос бўлади. Шу билан бирга, бошқаруви усуллари ижро этувчи органларнинг муайян бошқаруви мақсадларига қандай усул ва воситалар билан эришишини белгилаб беради. Бошқаруви фаолиятининг усули бошқаруви субъектининг бошқаруви объектига нисбатан мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳуқуқий таъсир этиш воситаси ҳамдир.

Давлат бошқарувида маъмурий-ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг ўз бурчларини қонуний бажаришларини таъминлаш учун икки универсал давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари (*ишон-*

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002.

<sup>2</sup> Маъмурий ҳуқуқ.: Дарслик // Проф. Ҳ.Т.Одилқориев, Б.Э.Қосимовнинг умумий таҳрири остида: –Т., 2010. – Б.175.

*тириш ва мажбурлаш*)дан мақсадга мувофиқ самарали фойдаланилади.

*Ишонтириш усули* давлат бошқарувининг барча қатнашчиларига қўлланилиши мумкин бўлган энг асосий давлат бошқаруви усули бўлса, *мажбурлаш усули* эса фақат давлат бошқаруви тартибқоидаларини бузишга мойил, бузаётган, уларга риоя этмайдиган шахсларга нисбатан қўлланиладиган усулдир.

Ҳуқуқшуносликда мавжуд ҳуқуқий тизимлар ичида ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга бўлган маъмурий ҳуқуқда мавжуд маъмурий-ҳуқуқий институтлар орасида *маъмурий мажбурлаш* институти муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг мажбурлаш усули – бошқаруви субъектининг иродасини бошқарилувчининг ихтиёрига ҳилоф тарзда қарор топтиришдан иборат. Бошқаруви объекти бошқаруви субъектининг иродасини бажармаган тақдирда, унинг иродасини ўзгартириш, яъни бошқаруви субъектининг иродаси(буйруқ, кўрсатма, қарори)га бўйсундириш мақсадида, бошқаруви субъекти бошқаруви объектига руҳий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, *мажбурлов* – бу бўйсунувчи объектнинг хоҳиш-иродасини рад этиш ва унинг хулқ-атворида ташқи таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Ўрнатилган тартиб-қоиданинг бажарилмаганлиги сабабли, бошқаруви субъектининг иродаси бузилади. Бошқаруви субъекти иродасини қайта тиклаш ва бўйсунувига эришиш мақсадида, бошқаруви объектининг хоҳиш-иродасига таъсир этилади.

Мажбурлов орқали ҳуқуқ-тартибот, мулкчилик, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, давлат ҳокимиятнинг нормал фаолият юритиши таъминланади<sup>1</sup>.

Жамиятда мажбурловнинг – турли кўринишлари мавжуд бўлиб, таъсир этиш объектига қараб: руҳий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир этишга бўлинади. Масалан: шахсга, унинг эркинлигига қаратилган таъсир этиш – *жисмоний*; мол-мулки, даромади, иш ҳақига қаратилган таъсир этиш – *моддий*; ишдан бўшатиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, ташкилотни тугатиш – *ташкилий* таъсир этиш ҳисобланади. Бироқ, мажбурловнинг бундай турларга бўлиниши шартлидир.

Мажбурлов чораларини юридик табиатига кўра *ҳуқуқий* ва *ҳуқуққа зид мажбурловга* бўлиш мумкин. *Ҳуқуқий мажбурлов чоралари* – ваколатли давлат органлари томонидан қонун

<sup>1</sup> Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Т.,2006. – Б.496.

хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. **Хуқуққа зид мажбурлов** (*зўравонлик*) эса, масалан, бир давлатнинг бошқа бир давлатга куч ишлатиши (агрессияси), ўзга ҳудудни босиб олиши, ташқи тазйиқ ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин. Мамлакат ичида эса ҳокимият тузилмалари ва мансабдор шахсларнинг мансаб сунистеъмомчиликлари, ваколат доирасидан четга чиқиши, хизмат вазифаларига совуққонлик ёки бепарволик билан қарашда ёхуд уюшган жиноий гуруҳларнинг аҳолига тамагирлик ва зўравонлик қилишида ифодаланиши мумкин.

Мажбурлов чоралари ҳуқуқшуносларни биринчи навбатда, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва давлат бошқарув фаолиятининг маълум бир усули сифатида қизиқтиради. Ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқий меъёрлар асосида қўлланиладиган ҳамда давлат ҳокимият кўрсатмаларига риоя этилишига олиб келадиган ҳуқуқий мажбурловни ўрганади.

Давлат бошқаруви субъектлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, интизомни сақлаш мақсадида қўллаши мумкин бўлган давлат мажбурлов чораларидан бири бўлган **ҳуқуқий мажбурлов** ҳам ўз навбатида:

*а) маъмурий мажбурлов; б) интизомий мажбурлов; в) моддий мажбурлов; г) жиноий-ҳуқуқий мажбурлов; д) жиноят процессуал мажбурлов чораларига бўлинади.*

Маъмурий мажбурлов давлат мажбурловининг муҳим таркибий қисми сифатида маъмурий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳуқуқий мажбурлов туридир.

Юридик адабиётларда “маъмурий мажбурлаш” ибораси талқинига оид бир неча ёндашувларни учратиш мумкин. Маъмурий мажбурлашга энг аввало, маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустақамланган ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида қаралади.

Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида тармоғи сифатида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети нуқтаи назаридан маъмурий мажбурлаш давлат бошқарувини амалга оширишда жорий этилади. Маъмурий мажбурлов чораларини маъмурий қонунчиликда мустақамланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мажбурлов турини тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил

ҳуқуқий институти – маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов институти сифатида ҳам эътироф этилади<sup>1</sup>.

Бу борада маъмурий ҳуқуқ луғатида маъмурий мажбурлашга қуйдагича таъриф берилган “Маъмурий мажбурлаш - жамиятнинг ҳаётий фаолиятида (жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, руҳсат бериш тизими, санитария, ёнғин хавфсизлиги ва б.) ижтимоий нормалар ва қоидаларни бажариш мақсадида ижроия ҳокимияти соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини мажбурий таъминлаш усули”<sup>2</sup>.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, маъмурий мажбурлашнинг алоҳида белгиларидан бири уни ижроия ҳокимияти соҳасида қўлланишидир. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқ фанида ижро этувчи ҳокимият давлат ҳокимият органларининг тизими сифатида ифодаланади. Шу боис, маъмурий мажбурлашни ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг турли соҳаларида қўлланишини қайд этиш мумкин.

Маъмурий мажбурлаш муаммолари хусусида илмий изланишлар олиб борган яна бир ҳуқуқшунос олим М.И.Еропкин Маъмурий мажбурлашни жамоат хавфсизлигини таъминлаш ёки маъмурий хатти-ҳаракат учун жавобгарликка тортиш, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тўхтатиш мақсадида фуқаролардан, мансабдор шахслардан юридик мажбуриятларини бажаришга мажбур этишдан иборат қонунда назарда тутилган чораларни давлат бошқаруви органлари, судлар, айрим давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлган жамоат ташкилотлари томонидан қўлланилиши, деб таъриф беради<sup>3</sup>. Мазкур таърифда маъмурий мажбурлашнинг “ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш” мақсадида қўлланилиши билан бирга уни “жамоат хавфсизлигини таъминлаш ёки маъмурий хатти-ҳаракат учун жавобгарликка тортиш” мақсадида ҳам қўлланилишини кўрсатувчи махсус белгилари сифатида қайд этилган. Бунда муаллиф маъмурий мажбурлашни қўллаш фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини бажариллигини таъминлаш вазифасини ўтайди деб таъкидлайди.

<sup>1</sup> Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник для вузов. – М., 2000. С.444-445.

<sup>2</sup> Словарь административного права. М., 1999. – С.25.

<sup>3</sup> Қаранг: Административное право. Методы и формы государственного управления. – М., 1987. – С.109.

Ҳуқуқшунос олим Д.Н.Бахрахнинг таъкидлашича, *Маъмурий-ҳуқуқий мажбурият* – ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этилиши муносабати билан маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбурият чораларини функционал ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган давлат мажбуриятининг алоҳида туридир<sup>1</sup>. У маъмурий-ҳуқуқий мажбурият субъекти сифатида “функционал ҳокимият”ни кўрсатиб, фақат давлат органларига маъмурий мажбурият субъекти бўла олиши мумкин деган фикрни илгари сурган.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ.Р.Алимов эса, маъмурий мажбуриятга “давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида кишиларнинг онгига ва хулқида руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш” деб тушунча берган<sup>2</sup>.

Бошқа бир юридик адабиётда маъмурий мажбуриятга қуйидагича тушунча берилган. “*Маъмурий мажбурият* – бу қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадида, маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари томонидан, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда судлар томонидан қўлланиладиган давлат мажбуриятининг алоҳида туридир”<sup>3</sup>. Ушбу тушунчада маъмурий мажбуриятнинг махсус белгилари сифатида уни қўлловчи субъектлар ҳамда мажбурий чораларни қўллаш тартибини белгиловчи нормаларни қайд этиш мумкин.

Юқорида келтирилган маъмурий мажбурият тушунчасига оид фикрларни ҳуқуқшунос олим Н.Т.Исмоилов умумлаштириб, давлат мажбуриятининг таркибий қисми ҳисобланган маъмурий мажбуриятнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

а) маъмурий мажбурият давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мақсадида эга давлат мажбуриятининг алоҳида туридир. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларда давлат органлари томонидан ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда қўлланиладиган кенг доирадаги мажбурий таъсир этиш чоралари

<sup>1</sup> Қаранг: Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник для вузов. – М., 2000. С.444-445.

<sup>2</sup> Алимов Ҳ.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Т., 2003. –Б.77-78.

<sup>3</sup> Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. // проф. Ҳ.Т.Одилқориев ва Б.Э. Қосимов умумий таҳрири остида – Т., 2010. – Б.185.

белгилаган. Ушбу мажбурият тури нафақат маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатларни балки бошқа ҳуқуқ соҳаси (меҳнат, фуқаролик, ер ва б.) нормаларини ҳам қўриқлайди;

б) маъмурий мажбурият давлат бошқаруви соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш воситаси ва кафолати ҳисобланади;

в) маъмурий мажбурият хизмат бўйсунуви доирасидан ташқарида функционал ҳокимият субъектлари томонидан амалга оширилади. Ушбу муносабатлар ташкилий бўйсунувнинг мавжуд бўлмаганида амалга оширилади;

г) маъмурий мажбурият субъектлари фақат ваколатли давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади, яъни маъмурий мажбурият субъектларининг кўплиги. Шунинг учун ҳам маъмурий мажбуриятга хос хусусиятдан бири *судловдан ташқари тартибнинг* ҳам қўлланилишидир;

д) маъмурий мажбурий таъсир этиш нафақат алоҳида шахсларга, балки ташкилотлар жамоа субъектларига ҳам қўлланилади;

е) маъмурий мажбурият маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, уларда аниқ маъмурий мажбурият чораларини қўллаш тартиби ва асослари белгиланади. Айрим ҳолларда алоҳида чораларни (масалан, махсус маъмурий чеклаш чоралар) қўллашнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши тармоқлараро хусусиятга эга (масалан, пул маблағларини хатлаш фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади);

ё) маъмурий мажбурият чоралари жамоат хавфсизлигига ёки шахс ҳаётига таҳдид соладиган ҳолатларнинг юзага келиши, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши (ёки содир этилиши арафасида), шунингдек жиноятларнинг олдини олишда қўлланилади;

ж) маъмурий мажбурият чораларини қўллаш тартиби нисбатан оддийлиги билан фарқланади. Масалан, маъмурий-процессуал мажбуриятда жиноий-процессуал мажбуриятга қараганда ҳуқуқий чекловлар ҳажми камроқ<sup>1</sup>.

Келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, маъмурий мажбурият – ҳуқуқий мажбуриятнинг соҳавий тури сифатида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши ёки жамоат хавфсизлигига ёхуд шахснинг хавфсизлигига таҳдид

<sup>1</sup> Ўша манба. – Б. 187-188.

соладиган ҳолатларнинг юзага келиши муносабати билан, айбдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини оғишмай бажаришини таъминлашга қаратилган маъмурий ва маъмурий-процессуал ҳуқук нормаларида белгиланган мажбурий таъсир чораларни функционал ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган давлат бошқаруви усулидир.

Мамлакатимиз маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий мажбурулашнинг айрим чоралари ўз аксини топган ва ҳуқуқий тартибга солинган. Бироқ, қонун чиқарувчи томонидан мазкур кодексдаги маъмурий-ҳуқуқий нормаларда “маъмурий мажбурулаш” атамаси бевосита қўлланилмаган, шунингдек, алоҳида таъриф ҳам келтирилмаган. Амалдаги кодексда маъмурий мажбурулашнинг қуйидаги чоралари баён этилган жумладан, МЖТКнинг 22-моддасида “Маъмурий жазонинг мақсади” белгиланган. Ушбу нормага биноан “Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади”<sup>1</sup>. Шунингдек, кодекснинг яна бир қанча нормаларида маъмурий жазонинг турлари, асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари, маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари, тартиби ва муддатлари қайд этилган. Булардан ташқари, маъмурий мажбурулашнинг яна қуйидаги чораси, яъни “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари” деб номланган 285-моддада “маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1995. – №3 – 6-м.

кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилиши” қайд этилган.

Маъмурий мажбурулаш чораларини таснифлаш маъмурий ҳуқуқда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, бугунги кунга қадар маъмурий ҳуқуқ фанида маъмурий мажбурулаш чораларига нисбатан умумэтироф этилган ягона фикрларга, қарашларга эришилмаган. Шу билан бирга, соҳа олимларининг кўпчилиги маъмурий мажбурулаш чораларини таснифлашда асосий мезон сифатида *ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усули* ва ушбу чораларни қўллаш мақсадини асос қилиб олишган.

**Маъмурий мажбурулашнинг турлари.** Маълумки, дастлаб рус олими М.И. Еропкин ҳам маъмурий мажбурулаш чораларини таснифлашда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усулидан келиб чиқиб, маъмурий мажбурулаш чораларини уч гуруҳ(тур)га тақсимлаган:

- 1) маъмурий олдини олиш чоралари;
- 2) маъмурий чеклаш чоралари;
- 3) маъмурий жазо<sup>1</sup>.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурулов чораларини таъсир этиш усулига кўра олдини олиш, чеклаш ва жазо турларига ажратиш ҳақидаги фикрни яна бир неча олимлар қўллаб-қувватлашади<sup>2</sup>.

Юридик адабиётларда маъмурий мажбурулаш чораларининг ушбу таснифидан ташқари бошқа таснифлар ҳам мавжуд. Жумладан, Д.Н. Бахрах маъмурий мажбурулашнинг уч турини, яъни маъмурий жазо, маъмурий чеклаш ва тикловчи чораларни қайд этади.

Шундай қилиб, маъмурий мажбурулаш чораларини қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- маъмурий олдини олиш чоралари;
- маъмурий чеклаш чоралари;
- маъмурий жазо чоралари.

Маъмурий мажбурулашнинг дастлабки чораси ҳисобланган **маъмурий олдини олиш чоралари** – давлат бошқаруви соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни бартараф этиш

<sup>1</sup> Еропкин М.И. О классификации мер административного принуждения // Вопросы административного права на современном этапе. М., 1963. – Б. 62.

<sup>2</sup> Попов Л.Л., Шергин А.П. Классификации мер административного принуждения // Правоведение, 1980, № 5, 41-б.; Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право.: Учебник. М., 1996. – Б. 264.

мақсадида қўлланиладиган мажбурий таъсир этиш усул ва воситаларидир.

Мазкур чоралар профилактик аҳамият касб этади ҳамда маълум чекланиш ва тақиқлар кўринишида ифодаланеди.

Маъмурий олдини олиш чораларига қуйидагилар киради:

- ҳужжатларни текшириш;
- шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш;
- олиб кетилаётган ёки олиб келинаётган моллар(юклар)ни божхона кўригидан ўтказиш;
- одамлар ёки ҳайвонлар ўртасида юкумли касалликлар пайдо бўлганда шу ҳудудда карантин эълон қилиш;
- давлат чегараларини ёпиш;
- йўл ҳаракатини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиш;
- транспорт воситаларини техник назоратдан ўтказиш;
- давлат санитария назорати;
- ёнғиннинг олдини олиш назорати;
- ички ишлар органларига фуқароларни (агар фуқаронинг ҳуқуқбузарлик йўлига кирмоқчи бўлгани тўғрисида ахборот бўлса) олиб келиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий огоҳлантириш;
- жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш;
- мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш ва ҳоказо.

Маъмурий мажбурлашнинг зарурий бўлган кейинги тури ҳисобланган **маъмурий чеклаш чоралари** – давлат бошқаруви соҳасида ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш(чеклаш) ва унинг юз бериши эҳтимол тутилган зарарли(хавфли) оқибатларини бартараф этиш, шунингдек айбдорларни жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган мажбурий таъсир этиш хусусиятига эга бўлган усул ва воситалардир.

Хусусан, маъмурий чеклаш чораларининг аҳамиятига кўра **умумий** ва **махсус чораларга** ажратиш мумкин:

**Умумий маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар киради:**

- ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги талаб;
- маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- транспорт воситасини ушлаб туриш;
- транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш;
- носоз транспорт воситаларини йўлга чиқармасдан автогаражга қайтариш;

- корхона фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш ёки уни ёпиш;
- мажбурий даволаш;
- юкумли касалликка учраган шахсларни вақтинча ишдан четлатиш;

- ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (ўқотар қурол ва ўқ-дориларни олиб қўйиш) ва ҳоказо.

**Махсус маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар киради:**

ички ишлар, божхона, чегара қўшинлари ходимлари томонидан хизмат вазибаларини амалга оширишда ишонтириш усули натижа бермаган ҳолларда мажбурлаш усулининг жисмоний куч, махсус воситалар, хизмат итлари ҳамда охириги чора сифатида қурол қўллаш каби чеклаш чоралари қўлланилади.

Маъмурий чеклаш чораларини таъсир этиш(қўллаш) объектларига кўра **жисмоний шахсларга қўлланиладиган чеклаш чораларига** ва **юридик шахсларга қўлланиладиган чеклаш чораларига** ажратиш мумкин:

**а) жисмоний шахсларга қўлланиладиган маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар тегишли:**

- ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги талаб; маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- транспорт воситасини ушлаб туриш; транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш;
- мажбурий даволаш; юкумли касалликка учраган шахсларни вақтинча ишдан четлатиш;
- ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (ўқотар қурол ва ўқ-дориларни олиб қўйиш);
- жисмоний куч, махсус воситалар, хизмат итлари ҳамда қурол ишлатиш каби чоралар;

**б) юридик шахсларга қўлланиладиган маъмурий чеклаш чораларига қуйидагилар тегишли:**

- ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги талаб;
- корхона фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш ёки уни ёпиш;
- транспорт воситасини ушлаб туриш;
- носоз транспорт воситаларини йўлга чиқармасдан автогаражга қайтариш;
- ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (ўқотар қурол ва ўқ-дориларни олиб қўйиш);
- лицензия беришни рад этиш, лицензияни амал қилишини тўхтатиб қўйиш ёки уни бекор қилиш;



- молия-кредит хусусиятига эга бўлган чоралар (молия-кредит интизомини бузиш йўли билан олинган пулларни қайтариб олиш, корхонанинг банкдаги пул маблағларини хатлаш).

Маъмурий мажбурлашнинг кейинги зарурий тури ҳисобланган **маъмурий жазо** – давлат бошқаруви соҳасида ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни бузган, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар учун кодексда белгиланган тартибда қўлланиладиган давлатнинг ҳуқуқий мажбурловидир.

Турли ҳуқуқ тармоқларида тартибга солинадиган ва қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни айбдор шахс томонидан бузганлик учун юридик жавобгарлик назарда тутилади. Юридик жавобгарлик айбдор шахсга нисбатан муайян жазо қўллашда намоён бўлади. Масалан, меҳнат интизоми бузилганда – интизомий жазо, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда – маъмурий жазо, жиноят содир этилганда – жиноий жазо қўлланилади.

**Маъмурий жазо** – мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чораларининг бир тури бўлиб ҳисобланади. Маъмурий жазо – маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса, турли норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади тўлиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу боис жазолар – маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни Конституция ва қонунларни

ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан янги ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шу билан бирга, маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: “Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Маъмурий жазо – маъмурий қонунчиликка асосан, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган мансабдор шахс томонидан қўлланиладиган ва ҳуқуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбурлов чораси бўлса-да, ҳуқуқбузарни қийноққа солиш, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этиш мақсадини кўзламайди. Бунинг исботи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 8-моддасининг қонунда ўз аксини топган, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким мамлакатимиз Конституциясидан келиб чиқувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б.15.

Демак, юкорида келтирилган фикрлар ва масалалардан келиб чикиб, маъмурий мажбурлаш чораларининг ҳар қандай давлат ва жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашдаги аҳамияти бекиёсдир, деб таъкидлашимиз мумкин. Маъмурий мажбурлаш чораларининг умумий мақсади ва вазифалари ўзаро уйғун ҳолда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур чораларнинг вазифалари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни содир этилишининг олдини олиш, зарарли оқибатларнинг юз беришини бартараф этиш ҳамда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун адолатли жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз ичига олади.

## **II-БОБ.** **ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ** **МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАРТИБГА** **СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Маълумки, ҳар бир давлатда мавжуд ҳар қандай органлар, муассасалар, ташкилотлар ўз фаолиятини муайян ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда амалга оширадilar. Шунингдек, давлат органлари, муассаса ва ташкилотлар ўз олдига қўйилган функция ва вазифаларини амалга оширишда ҳам маълум бир ҳуқуқий асосларга таянади. Юзага келган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳам ҳуқуқий асослар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, юриспруденцияда “ҳуқуқий асос, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқий негиз”, каби категориялар мавжуд бўлиб, назария ва амалиётда кўп қўлланилади.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганларидек “Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин”<sup>1</sup>. Айни вақтда, давлатнинг фаол ташкилотчилик ва ижобий бунёдкорлик ролига ҳам алоҳида урғу берилади. “Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий–сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариши керак”<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлар У.Таджиханов, А.Саидовлар ҳуқуқий асосга қуйидагича таъриф берганлар. Ҳуқуқий асос – бу олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан чиқарилган, амалдаги қонунчиликда муайян фаолиятни ёки муносабатларни амалга оширишга ҳуқуқий шароит яратиб берувчи, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминловчи ҳамда ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий актлар мажмуидир<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996. – Б.192.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўша асарда. – Б.178.

<sup>3</sup> Таджиханов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б.185.

Мамлакатимизда барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қодир бўлган энг олий ҳуқуқий асос бу албатта Асосий қомусимиз – республикамиз Конституциясидир. Зеро, юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намоён этади<sup>1</sup>. Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларининг қўлланилиши ҳам албатта, ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда ҳуқуқий асосларига эга бўлиши зарур бўлган фаолиятлардан биридир.

Шу боис, ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллашни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни қуйидаги кетма-кетликда, яъни халқаро ҳуқуқий асослар, миллий-ҳуқуқий асосларнинг умумий ва махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида кўриб чиқишимиз мумкин.

Ўзбекистон халқи Асосий қонунимизнинг муқаддимасида: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилганлиги белгиланган. Мазкур қоидалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритишининг дастлабки кунлариданоқ республикамизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш мақсадида инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини босқичма-босқич қабул қилиб уларни ратификация қилди.

Жумладан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси – Ўзбекистон Республикаси томонидан

<sup>1</sup> Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. – 7 дек.

1991 йил 30 сентябрда имзоланган. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Кейинги босқичда мамлакатимиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билль (қонун): Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол (1966 йил 16 декабрь)га қўшилди. Шунингдек, “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция” (1984 йил 10 декабрь) каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йил 31 августда имзоланган.

Мажбурлов чораларининг қўлланиши борасида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, ёки шафқатсиз, ноинсоний тазйиққа дучор этилиши, ёки кадр-қимматининг камситилиши, жазога тортилиши мумкин эмас”лиги шунингдек Декларациянинг 9-моддасида “Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши, ушланиши ёки бадарға қилиниши мумкин эмас”лиги белгиланган.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциянинг қоидаларида, хусусан 2-моддасида қуйидагилар белгиланган:

1. Ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариши, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўриши мумкин.

2. Ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий беқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолат эканлигидан қатъи назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3. Юқори турган бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ички ишлар идоралари ходимлари маъмурий мажбурлаш чораларини қўллашда инсон ҳуқуқлари бўйича ўрнатилган халқаро стандартлар, миллий қонунчиликда назарда тутилган меъёрлар доирасида иш тутишлари, қонунга риоя этишлари лозим. Шу билан боғлиқ равишда инсон ҳуқуқларининг ички ишлар идоралари ходимлари учун

аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўрганиш зарурияти куйидаги омиллар билан белгиланади:

*биринчидан*, инсон ҳуқуқлари маданияти ИИИ ходимлари касб маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади;

*иккинчидан*, БМТ ҳужжатларига кўра, ички ишлар идоралари ходимлари инсон ҳуқуқларини ўрганиши мажбурий бўлган давлат хизматчилари тоифасига киради;

*учинчидан*, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқни амалда қўллаш фаолияти уларнинг ҳуқуқий онгини доимо ошириб боришни талаб қилади ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билимлар бу жараённинг таркибий қисмидир;

*тўртинчидан*, ички ишлар идоралари ходимларининг барча фаолият турлари (ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, тезкор-қидирув фаолияти) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя қилишни талаб этади;

*бешинчидан*, инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро шартномаларнинг қоидалари ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Миллий-ҳуқуқий асослар доирасига куйидагиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 2012 йил 24 декабрь қонунида, норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган талаблар ўз аксини топган бўлиб, ушбу қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг куйидаги турлари белгиланган:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Шунингдек, ушбу қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланиши ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилиши баён этилган<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларининг маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш фаолиятининг умумий ҳуқуқий асосларига куйидагилар тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципаал қоидаларини ўзида мужассам этган республикамиз Конституцияси – инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шarti бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Конституциямизнинг куйидаги моддалари мажбурлаш чораларини қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Конституциянинг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул”лиги белгиланган. 13-моддада “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб қайд этилган. 14-моддада эса “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деб баён қилинган.

Конституциянинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012. – 52-сон. – 583-м.

шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари” белгиланган. 18-моддада “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деб белгиланган. 19-моддада “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” деб баён этилган.

20-моддада “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”лиги белгиланган. 23-моддада “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар” деб белгиланган.

Конституциянинг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”лиги эътироф этилган. 26-моддада “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”лиги қайд этилган. 27-моддада Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда

сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас”лиги мустақамланган.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида қуйидаги қонунлар қабул қилиниб, улар тегишли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш жойларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонуни<sup>1</sup> билан жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чоралари мажмуини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу қонунда кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади. Мазкур қонунга биноан маъмурий назоратни амалга ошириш назорат остидаги шахснинг истиқомат жойидаги ички ишлар идораларига юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандликка, захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонунига биноан жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортишни, шунингдек маъмурий мажбурлаш чораларининг қўлланилишини тартибга солувчи қонун ҳужжати сифатида хизмат қилмоқда.

Маълумки, юриспруденцияда кодекс (лотинча “kodex” сўзидан олинган ибора – китоб, қонунлар тўплами деган маъноларни билдиради) – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи, устувор ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган ва тизимлаштирилган ҳуқуқий ҳужжат – қонун бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари мантиқан мутаносиблаштирилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгагининг ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 33-м.

<sup>2</sup> Ўша манба. – 35-м.

Дастлаб мазкур кодекс 2 қисм 5 бўлим 31 боб ва 348 та моддадан иборат бўлган. Сир эмаски, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, мазкур давр мобайнида кодекс замон талабидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб такомиллашиб борди. Унинг таркибидаги моддаларга тегишли ўзгартишлар, қўшимчалар, шунингдек янги моддалар киритилиб борди, айрим аҳамияти эскирган моддалар эса кодексдан чиқарилди.

Кодексга объектив зарур бўлган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб юртимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлиги остида амалга оширилаётган ислоҳотларга мос равишда такомиллашиб борди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнларини амалга ошириш мақсадида кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам 90дан зиёд қонунлар билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Кодексда маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган тегишли давлат органлари (мансабдор шахслар) ва уларнинг ваколатлари, маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари, тартиби, муддатлари, шунингдек тузилиши керак бўлган ҳужжатлар белгиланган. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш, маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартиби, муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортиш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш, шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсий кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари, тартиби, ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш каби таъсир чораларини қўллаш тартибга солинган. Бироқ, кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига қарамай, фикримизча, унда ҳозирги кунда ҳам бир қанча ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд. Зеро, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Фаол ривожланиб бораётган демократлаш-

тириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиной-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг қўламли тарзда акс эттириши лозим.

Бунда авваламбор жинойят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жинойят юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди”<sup>1</sup>.

Назаримизда, мазкур Кодексда маъмурий мажбурлашнинг яна қуйидаги чоралари ҳуқуқий тартибга солинган бўлиши керак:

– мажбурий ушлаб келтириш тартиби;

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 8 сентябрь қонунининг 12-моддасида “Йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, багажни кўздан кечириши ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказиши” белгиланган. Шунингдек, “Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар” деб номланган 20<sup>1</sup>-моддасига биноан Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.26.

хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши қайд этилган<sup>1</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ички ишлар идораларининг маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш фаолиятининг умумий ҳуқуқий асосларидан ташқари ушбу фаолият куйидаги махсус ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам бевосита тартибга солинади.

Маълумки, республикамиз истиқлолга эришган кунлариданок мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам босқичма-босқич яратилиб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Дастлаб, мамлакатимизда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олиниши ҳақида»ги 1991 йил 25 август фармони қабул қилинди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлайди<sup>2</sup>. Ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий функция ва вазифаларининг мазмуни унинг маъмурий, тезкор-қидирув, жиноят-процессуал каби асосий фаолият йўналишларини белгилайди.

Вазирлик жиноятлар ҳамда жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича республика тадбирларини ўтказишни кучлар ва воситалар билан бошқаради; судларнинг ажримлари, прокурорларнинг қарорлари ва терговчилар ҳамда дастлабки тергов-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2011. – №9. – 246-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 1991. – №10. – 36-м.

ни олиб борган шахсларнинг прокурор томонидан қамоққа олиш ҳулосаси тўғрисида санкция берилган қарорларининг, шунингдек, қонунчилик томонидан ички ишлар органлари зиммасига ижро этиш юклатилган мажбур этишнинг бошқа чораларини қўлланиши ҳақидаги бошқа қарорларнинг ижросини таъминлайди.

Вазирлик ваколати доирасида буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар ва бошқа актлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 28 декабрдаги 328-сонли буйруғи билан профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муддатлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш тартиблари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2002 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни ва унга киритилган кейинги ўзгартишлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартибларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 31 май 68-сонли буйруғи билан ички ишлар идоралари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2012 йил 13 февралдаги 7, 5 ва 22-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга

тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқнома тасдиқланган. Ушбу Йўриқнома Дипломатик алоқалар тўғрисида 1961 йил 18 апрелдаги Вена Конвенцияси 41-моддасининг 1-бандига, Консуллик алоқалари тўғрисида 1963 йил 24 апрелдаги Вена Конвенцияси 55-моддасининг 1-бандига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 17-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига (ва уларнинг оила аъзоларига) нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2012 йил 4 апрелдаги 53-сонли буйруғи билан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари томонидан техник кўриқдан ўтказишда ДЙХХХ органлари томонидан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтмаган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгиларини ечиб олиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2012 йил 23 апрелдаги 13 ва 2-сон қарори билан “Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” тасдиқланган. Мазкур Йўриқнома автотранспорт воситаларида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳамда автовокзаллар ва автостанциялар объектларини ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадида йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўл юкини, багажини ва ўзини назоратдан ўтказиш тартибини, шунингдек назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Юқорида кўриб чиқилган қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида ҳамда уларда белгиланган тартибда ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чоралари қўлланилиши керак, акс ҳолда бундай ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини чеклаш, қонунийликнинг қўпол равишда бузилишига олиб келади.



### III-боб.

#### ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАЛАБЛАР.

Ички ишлар идоралари бошқа ҳуқуқ-тартибот хизматлари билан ҳамкорликда эл-юрт осойишталиги, бунёдкорлик меҳнати, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлашда камарбасталик қилмоқда.

Ички ишлар идораларининг касбий хизмат фаолияти йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, улар томонидан қўлланиладиган мажбурлаш чоралари, уларни қўллаш тартиби, асослари ва мақсадига қараб бундай чораларнинг қуйидаги хусусиятларини эътироф этиш мумкин:

ички ишлар идоралари фаолиятида маъмурий мажбурлаш чораларининг қўлланилиши тегишли соҳавий хизматларнинг асосий функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Буларга асосан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш каби хизматлар киради.

Ички ишлар идоралари томонидан мажбурлаш чораларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини қонунчилик ҳужжатлари ва идоравий норматив ҳужжатлар (низом, йўриқнома) ташкил қилади.

Маъмурий мажбурлашнинг махсус маъмурий чеклаш чоралари ҳисобланган жисмоний куч ишлатиш (қўл жанги, самбо усули), махсус воситалар (қўл кишанлари, резина таёғи), зарур ҳолларда қурол ишлатиш каби таъсир чораларини қўллашнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган ички ишлар идоралари ходимлари ўз ҳокимият ваколатларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари билан алоҳида ҳуқуқий муҳофазаланганлиги. Масалан, ички ишлар идоралари ходимларининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талаби, фармойишини бажармаслик маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади, ёки милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик шахсни маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарлик

содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

*Ички ишлар идоралари томонидан қўлланиладиган маъмурий олдини чоралари.*

Мазкур чораларга ҳужжатларни текшириш, маъмурий назорат, транспорт воситаларини ва йўловчиларнинг ҳаракатланишини тақиқлаш (чеклаш), шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш (МЖТК 289-м.), ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (МЖТК 290-м.) киради.

*Ҳужжатларни текшириш* вақтида фуқароларнинг кимлиги, текширилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқатдан ҳам шу шахсга тегишлилиги ҳамда ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги аниқланади. Ходим бир шахсни жиноят содир этганликда гумон қилса, ундан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари транспорт ҳайдовчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномаларини, техник паспортини ёки йўл варақасини текширишлари мумкин. Бу жараён албатта тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар талаби асосида, шунингдек шахсий хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ички ишлар идоралари томонидан *маъмурий назорат*ни шартли равишда умумий ва махсус турларга ажратиш мумкин. Ички ишлар идораларининг умумий назорати деб, уларнинг кундалик маъмурий фаолиятида давлат-ҳокимият ваколатлари доирасида ўрнатилган қоидаларга риоя қилиниши устидан амалга ошириладиган назорат тушунилади. Бундай назоратга паспорт тизими қоидалари, назорат-лицензия, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат киради.

Маъмурий назорат қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

а) маъмурий назорат қонун ва қонун ости ҳужжатларининг талабларини амалиётга жорий этиш бўйича ички ишлар идоралари маъмурий фаолиятининг шаклларида бири;

б) маъмурий назорат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уни тўхтатиш мақсадида амалга оширилади;

в) маъмурий назорат қонун талабларини жамоат таъсири ёки давлат мажбурлов чоралари воситаси ёрдамида ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза этади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назорат (махсус маъмурий назорат). Ўзбекистон

Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонунига асосан ташкил қилинади.

Маъмурий назоратнинг асосий мақсади илгари судланганлар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижобий ижтимоий йўлга кириб олишига ёрдамлашишдан иборат.

Маъмурий назорат вақтида назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказилмаслиги, камситилмаслиги, иш, ўқиш ва яшаш жойида обрўси тўкилмаслиги лозим.

***Маъмурий назорат вояга етган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:***

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганликларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлса;

в) ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан.

Маъмурий назоратга олинган шахсларга нисбатан қуйидаги тақиқловчи маъмурий олдини олиш чоралари қўлланилиши мумкин:

а) ички ишлар идоралари белгилаб қуйган вақтда уй (квартира)дан чиқиб кетиш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлиш;

в) ички ишлар идораларининг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқари чиқиб кетиш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартдан тўрт мартагача ички ишлар идораларига келиб учрашиш зарурлиги.

Юқорида кўрсатилган чоралар назорат остида бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-айрим йўсинда қўлланилади. Чеклашлар рўйхати узил-кесил

ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

Судьянинг қарори маъмурий назорат ўрнатиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Бу муддат ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим. Чеклашлар рўйхати назорат остидаги кишининг шахси, унинг турмуш тарзи ва хулқ-атворига қараб, “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган чоралар доирасида судья томонидан қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

***Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:***

а) маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин уни узайтиришга асос бўлмаса;

б) муддатидан илгари, башарти назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзининг яхши томонларини кўрсатганлиги аниқланган бўлса;

в) назорат остида бўлган шахснинг судланганлик муддати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда.

***Ички ишлар идоралари томонидан қўлланиладиган маъмурий чеклаш чораларини.*** умумий чеклаш чоралари ва махсус чеклаш чораларига ажратиш мумкин. Умумий чеклаш чораларига маъмурий йўл билан ушлаб туриш, транспорт воситасини ушлаб туриш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мажбурий даволаш каби чоралар киради.

***Маъмурий йўл билан ушлаб туриш*** – ҳуқуқбузарнинг шахсий эркинлигини вақтинча чеклаб қўйишдир. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиши керак. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғларига, иш ёки ўқиш жойидаги маъмуриятга хабар берилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади. Маъмурий йўл билан ушлаб туришга МЖтКнинг 287-моддасига биноан ички ишлар идоралари ҳақлидир. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари МЖтКнинг 288-моддасида аниқ

белгиланган. Унга асосан, маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузар баённома тузиш учун олиб келинган пайтдан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса бу муддат улар ҳушёр тортигидан бошлаб ҳисобланади.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур ҳолларда эса - ушлаб туришдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача ушлаб турилиши мумкин.

МЖТКнинг 56–58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг 3-қисмида, 170, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184, 191, 194, 195, 201, 204–206, 210-моддаларида, 225-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин зоғи билан 24 соатгача ушлаб турилиши мумкин.

*Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш.* Ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 291-моддасига асосан транспорт воситаларини ҳайдовчилар томонидан МЖТК 125-моддасининг 3, 5 ва 6-қисмларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг 2-қисмида, 126, 128<sup>6</sup>, 131, 135, 135<sup>1</sup>, 136-моддасининг 1 ва 2-қисмларида, 137, 176<sup>3</sup>-моддаларида, 194-моддасида (милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, шунингдек қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда – ички ишлар идоралари томонидан ушлаб турилади.

*Мажбурий даволаш тартиби.* Ўзбекистон Республикасининг “Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало

бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонунига асосан<sup>1</sup> сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали мажбурий даволаш белгилаб қўйилган. Жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланилади.

Шахсни сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган бемор деб топиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда тегишли даволаш муассасалари томонидан амалга оширилади.

Шахс мажбурий даволашга жўнатиш учун тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортиган ҳолларда, у ички ишлар идораларининг кўмагида ўн кун муддат ичида наркология муассасасида мажбурий тарзда текширилиши керак.

Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

*Махсус маъмурий чеклаш чораларига қўйидагилар тааллуқли.* Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби қонун билан тартибга солиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимни ва протоколни ратификация қилиш ҳақида” 1992 йил 4 январь қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунига қадар унинг ҳудудида собиқ СССР қонунларининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. – № 1. – 36-м.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган қисмлари қўлланилиши белгиланган<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар идоралари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинмаганлиги сабабли собиқ Иттифокнинг 1991 йил 6 мартдаги “Милиция тўғрисида»ги қонунининг 14- ва 15-моддалари билан тартибга солинадиган жисмоний куч, махсус воситаларни қўллаш ва қуролдан фойдаланиш тартиби амалиётда ўз кучида қолмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 2012 йил 24 декабрь қонунининг 5-моддасига биноан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тури сифатида қайд этилган.

Шу боис, қуйидаги қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари буйруқ ва йўриқномалари билан ички ишлар идоралари ходимлари, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳамда қўллаш тартибга солинган. Амалдаги қонунчилик ва ушбу қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришда махсус маъмурий чеклаш чораларини қўллайдилар.

Ушбу ҳужжатларга биноан хизматни ўташ даврида патруль-пост нарядлари қўл кишанлари, резина таёқлар, кўзни ёшлантирадиган моддалар, чалғитувчи ёритувчи қурилмалар ва бошқа махсус воситалардан, курашнинг жанговар усулларидан, хизмат ити, шунингдек махсус ва бошқа транспорт воситаларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш(қўллаш) ҳуқуқига эгалар:

1) фуқароларга, ички ишлар идоралари ходимларига, хизмат вазифасини ёки жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашга доир ўз хизмат бурчини ўтаётган даврда ва бошқа шахсларга бўладиган ҳужумни қайтаришда, шунингдек гаровга олинганларни озод қилишда;

2) жамоат тартибининг гуруҳ бўлиб бузилиши ва оммавий тартиббузарликларнинг олдини олишда ҳамда бартараф этишда;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – №3. 131-м.

3) фуқароларга, давлат ва жамоатчилик уюшмалари идораларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга тегишли бинолар, хоналар, иншоотлар ва транспорт воситаларига қилинадиган ҳужумни қайтаришда;

4) қонунбузарларни ушлаш, уларни ички ишлар идораларига олиб боришда, ҳибсга олинганлар ва ушланганлар томонидан қаршилик кўрсатилганда, уларнинг атрофдагиларга ёки ўзига зиён етказиши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлганда, шунингдек ички ишлар идоралари ходимларига хизмат вазифаларини амалга оширишда қасддан тўсқинлик қилаётган шахсларга нисбатан.

Махсус воситаларни қўллашдан олдин огоҳлантириш ва вазиятга қараб қонунбузарликни тўхтатиш учун етарли вақт берилиши керак.

Қўтилмаган ҳужумни қайтариш, қасддан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашда, гаровга олинганларни озод қилиш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда махсус воситалар огоҳлантирилмасдан қўлланилади.

Махсус воситаларнинг тури ва уни қўллаш тартиби юзага келган вазиятни, қонунбузарликнинг хусусияти ва қонунбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситалар қўлланганда фуқароларнинг соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли кам (минимал) бўлиши керак.

Ҳомиладорлик белгилари бўлган аёлларга, ногиронлиги кўриниб турган шахсларга ва ёш болаларга нисбатан махсус воситалар қўллаш тақиқланади (улар томонидан ҳаёт учун хавфли ҳужум қилинган, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ёки қуролли қаршилик кўрсатилган ҳоллардан ташқари).

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳамда қоидалари.

Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича хизмат бурчларини бажаришни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, хилма-хил шаклдаги мулкни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти ва соғлиғини жиноий тажовузларидан ҳимоя қилиш мақсадида ички ишлар идораларининг ходимлари қуйидаги ҳолларда охириги чора сифатида ўқотар қуролини қўллаш ҳуқуқига эгадирлар:

а) фуқароларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган ҳужумлардан ҳимоялаш, шунингдек гаровдаги шахсларни қутқариш учун;

б) ўзини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек қуролини эгаллаб олишга уринаётган шахсларга нисбатан;

в) ўта оғир жиноят содир этиш устида қўлга тушган ва яширинишга уринаётган шахсни, шунингдек қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни ушлашда;

г) фуқароларнинг уй-жойларига, қўриқланаётган объектларга, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар биноларига гуруҳ бўлиб ёки қурол билан қилинган ҳужумни қайтаришда;

д) жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган ва уларга нисбатан қамокқа олиш чораси белгиланган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахсларнинг ҳибсдан қочишга уринишларини қайтариш, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод этишга уринишларни бартараф этишда.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўқотар қуролдан қуйидаги мақсадларда ҳам фойдаланишга ҳақлидирлар:

а) транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига ҳақиқий хавф туғдираётган ва ички ишлар идораси ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги талабига бўйсунмаганда транспорт воситасини шикастлантириш йўли билан тўхтатиш учун;

б) инсон ҳаёти ва соғлигига хавф туғдираётган ҳайвонни зарарсизлантириш учун;

в) қурол қўллаши ҳақида огоҳлантириш, сигнал бериш ёки ёрдамга чақириш учун.

Қуролни ишлатишдан аввал ички ишлар идоралари ходими ҳуқуқбузарга «*Тўхта! Отаман*» деб хитоб қилиб, огоҳлантириши ва камида бир марта осмонга отиши шарт.

Ходимнинг ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф туғилган ҳолларда, қўққисдан ёки қурол билан ҳужум қилинганда, ҳарбий техника, транспорт воситаси, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланиб ҳужум қилинганда, соқчидан қурол билан ёхуд транспорт воситасидан фойдаланиб қочганда, қамокдаги шахслар транспорт воситаси ҳаракатланаётган чоғида ундан қочишга уринганда, қўпоровчилик-террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятлар содир этган шахсларни ушлаш, гаровдагиларни қутқариш учун қуролдан огоҳлантиришсиз қўлланиш мумкин.

Ўқотар қуролни аёлларга, ногиронлиги кўриниб турган шахслар ва кичик ёшдаги болаларга нисбатан қўллаш тақиқланади, улар қурол

билан қаршилик кўрсатган ёки одамлар ҳаётига хавф солувчи гуруҳ бўлиб ҳужум қилган ҳоллар бундан мустасно.

Ички ишлар идоралари ходимлари охириги чора сифатида юқорида қайд этилган ҳолатларда ҳар қандай шароит ва жойларда қуролни қўллаш ёки ундан фойдаланиши мумкин, лекин бунда бошқа шахсларга зарар етмаслигига ёки катта талафотлар келиб чиқмаслигига ўзида тўлиқ ишонч ҳосил қилганидан кейин қўллаши шарт. Шунингдек, қуролни имконият даражасида жамоат жойларида ёки тез аланга олувчи ва портлаш хавфи бор жойларда ҳамда бетон деворли хоналарда ўқ ўз йўналишини ўзгартириши мумкин бўлган ҳолатларда қўлламаслик тавсия этилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари қуролни қўллаганларидан кейин бажаришлари лозим бўлган хатти-ҳаракатлар қуйидагилардан иборат:

1) қурол қўллаганлиги ҳақида зудлик билан ҳудудий ИИБ навбатчисига хабар бериши керак;

2) қурол қўлланган шахс жароҳатланган бўлса, қўққисдан қилиниши мумкин бўлган ҳужумдан эҳтиёт бўлиш чораларини кўрган ҳолда жароҳатланган шахсга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиши лозим;

3) қурол қўллаш шахснинг ўлимига олиб келса, прокуратура ходими ва ички ишлар идорасининг тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунга қадар ўлган шахснинг жасади қўриқланишини ва воқеа жойидаги вазият тўлиқ сақланишини таъминлаши керак;

4) ички ишлар идорасига келганидан сўнг билдирги билан қачон, қаерда, кимга нисбатан қурол қўлланганлигини, қўллаш сабаблари, шароитлари ва оқибатларини, отилган ўқлар сонини кўрсатган ҳолда ахборот бериши;

5) билдирги берилгандан сўнг табель қуролини ва қолган ўқларни ИИБ навбатчилик қисмига топшириши керак.

Ўқотар қуролни қўллаш оқибатида шахснинг ўлиши ёки ярадор бўлиши ҳолатлари ҳақида ички ишлар идоралари зудлик билан, қолган ҳолатларда эса 24 соат мобайнида прокурорга хабар бериши лозим.

Ўқотар қуролини ваколат доирасидан чиққан ҳолда қўллаган ходим амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

### ***Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий жазони қўллаш асослари ва тартиби.***

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни ҳуқуқбузар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Маъмурий жазони қўллаш асослари яна қуйидагиларда намоён бўлади:

1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ходисаси ёки аломатининг мавжудлиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш пайтида шахс жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлса;

3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли расо бўлса;

4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ёки охирги зарурат чегарасидан четга чиқиб содир этса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари (ҳажми, миқдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жазони қўллашда ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг, яъни, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари<sup>1</sup>га асосланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда маъмурий жазонинг қўлланилишига бағишланган алоҳида 4-боб ажратилган бўлиб, унинг 30-моддасида маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари ўз аксини топган. Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормага мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо МЖТК ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган доирада ва тартибда қўлланилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – № 3. – 6-м.

Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазони қўлланиш чоғида:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти;

- ҳуқуқбузарнинг шахси;

- унинг айбдорлик даражаси;

- мулкӣ аҳволи;

- жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;

- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо қўлланишининг мазкур умумий қоидаларига барча ваколатли органлар ва мансабдор шахслар риюя қилишлари шарт.

Бундан ташқари, маъмурий жазони қўллашда жазони индивидуаллаштириш ҳам катта аҳамият касб этади. Маъмурий ҳуқуқда содир этилган қилмишнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг айбдорлик даражаси, шахси ҳамда қонунда назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган санкциялар доирасида унга жазо тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддасига асосан, ички ишлар идоралари 44 та модда бўйича ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар ва жазо қўллайдилар. Ички ишлар идоралари ходимлари фақат маъмурий жарима ва чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тартибда чиқариб юбориш жазоси белгиланган ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар. Ички ишлар идоралари кўриб чиқадиган ҳуқуқбузарликлардан 33 таси транспорт, йўл хўжалиги, алоқа соҳасидаги; 1 таси ободонлаштириш соҳасидаги; 3 таси жамоат тартибига тажовуз қилувчи; 7 таси бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларга мансубдир. Ушбу нормадан ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликлар учун жазо қўллашдаги ваколати доираси фақат маъмурий ишлар бўйича судлардан кейинги ўринда турганлигини кўриш мумкин.

Маъмурий жазо қўллашнинг асосий мақсади ҳам ҳуқуқбузарга жисмоний ёки моддий таъсир этиш эмас, балки ҳуқуқбузарларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятга зид ҳаёт кечирувчиларни ижобий томонга ўзгартиришдан иборат. Ички ишлар идоралари бундан ташқари, МЖТКнинг 287-моддасида белгиланган ваколатларига асосан 79 та модда бўйича ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, ҳуқуқбузарларнинг

шахсини аниқлаш, ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида бундай шахсларга таъсир чораси сифатида маъмурий йўл билан ушлаб туриш қўлланилади.

Жазони индивидуаллаштиришда айбдор шахснинг барча ижобий ва салбий хусусиятлари, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари ҳисобга олиниши лозим, чунки жазо асосан шахсий хусусиятга эга ва фақат айбдор шахсга қўлланилади<sup>1</sup>.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31- ва 32-моддаларига кўра, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Маъмурий қонунчилик ҳужжатларида бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий жазо қўллаш қоидалари ҳам белгиланган.

Бир шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларини содир этган бўлса, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тугувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

Башарти шахс МЖТКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тугувчи санкция доирасида қўлланилади. Бу ҳолда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бахрамов Х.Х., Селиманова С.М. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – Т., 2005. – №3. – Б.78-79.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – №3. 6-м.

Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб *икки ойдан* кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб *бир ойдан* кечиктирмай қўлланилиши мумкин<sup>1</sup>.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Мазкур бир йиллик муддат ўтгач ушбу шахс томонидан худди шундай маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда унинг ҳуқуқбузарликни такроран содир этган деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

*Асосий маъмурий жазо чоралари* бу – бошқа маъмурий жазо чораларининг турларига бир вақтда қўшимча бўлиб, тайинланиши мумкин бўлмаган жазо чораларидир. Масалан, жарима, муайян шахсни махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш, маъмурий қамоқ каби чоралар фақат асосий маъмурий жазо чоралари сифатида қўлланилиши мумкин.

*Қўшимча маъмурий жазо чоралари* бу – маъмурий жазо чорасига қўшимча равишда тайинланиши мумкин бўлган маъмурий жазо чораларидир. Масалан, ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш қўшимча жазо чораларидир. Бироқ, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин. Қўшимча маъмурий жазо чораларининг яна бир ўзига хос хусусияти бу уларнинг содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун алоҳида, мустақил равишда қўлланилишининг мумкин эмаслиги, яъни улар фақат асосий маъмурий жазо чораларига қўшимча жазо чораси сифатида тайинланиши мумкин.

Демак, бир маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий, ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин. Лекин, бир вақтнинг ўзида иккита асосий ёки иккита қўшимча жазо чораларининг қўлланилиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – №5. – 90-м.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, хилма-хил шакллардаги мулкчиликни қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ички ишлар идораларининг муҳим вазифасидир.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, «Биз мураккаб замонда яшамокдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, нарқобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжихатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимдан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади»<sup>1</sup>.

Маъмурий мажбурулашнинг турли чораларини қўллаш жараёнида ҳуқуқбузарларликлар, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатлар, ҳолатларнинг олди олинади, бартараф этилади, айбдор шахслар жавобгарликка тортилади, жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминланади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, бошқарувнинг ўрнатилган тартибларига риоя қилинади.

Маъмурий мажбурулов давлат мажбуруловининг бир тури бўлиб, давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, чеклаш ва айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида кишиларнинг онги ва хулқ-атворига руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш чорасидир.

Амир Темур ўзининг “Тузуқларида” марказлашган адолатни давлатини мустаҳкамлашда рағбатлантириш ва жазолаш билан тартиб-интизомни таъминлаганини таъкидлайди.

Демак, давлат бошқаруви фаолиятининг бу икки усули узоқ ўтмишдан бошлаб мақсадга мувофиқ кенг қўлланиб келинган ва ўз самарасини берган. Ҳозирги кунда ҳам мазкур чоралар давлат бошқаруви фаолиятида ўз аҳамиятини камайтирмай, балки зарурий

усул ва восита бўлиб ҳисобланади. Шу боис, бўлажак ички ишлар идоралари ходимлари давлат бошқаруви фаолиятининг ишонтириш ва мажбурулаш усуллари ҳақида батафсил тушунча ва билимларга эга бўлишлари лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига йўллаган байрам табриги // постда. – 2007. – 25 окт.



## Фойдаланилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2012.
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2013.
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. – Т., 2000.
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. – Т., 2010.
- Ислон Каримов Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996.
- Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т., 2010.
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002.
- Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш жойларидан бўшатиш шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. – № 1. – 33-м.
- Ўзбекистон Республикасининг “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандликка, заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. – № 1. – 35-м.
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги 1992 йил 3 июль қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. – № 9. – 355-м.
- Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги 1999 йил 19 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. – № 9. – 213-м.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1991 йил 25 октябрь қарори // Ҳукумат қарорлари тўплами. 1991.– №11. – 36-м.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 31 январь қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2003. – № 1-2. 17-м.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2011 йил 31 май 68-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №27. – 286-м.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинишини мониторинг қилиш маркази томонидан ИИВ тизимида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича аналитик материаллари. – Т., 2009.

Словарь административного права. – М., 1999. – С.25.

Алимов Ҳ.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Т., 2003. – Б. 77-78.

Таджиханов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б.185.

Хожиев Э., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик. – Т.2006. – Б.496-535.

Ma'muriy huquq. Darslik: Prof. Odilqoriev N.T., Qosimov B.E. Umumiy tahriri ostida. – Т., 2010. – Б.175-197.

Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник для вузов. – М., 2000. – С.444-445.

Бахрамов Х.Х., Селиманова С.М. Административная ответственность: обстоятельства, влияющие на назначение наказания // Ҳуқуқ-Право-Law. – Т., 2005. – № 3. – С.78-79.

**Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларининг қўлланилишини тартибга солувчи амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларидан  
К Ў Ч И Р М А**

**1-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир.

Ушбу Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

**2-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

**7-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб боровчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

**8-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига торттилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

**10-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

**13-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади.

**16-модда. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга қақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш,

балик тутиш ва балик захираларини сақлаш қодаларини, божхона қодаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қодалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қодаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

#### **17-модда. Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

#### **22-модда. Маъмурий жазонинг мақсади**

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

#### **23-модда. Маъмурий жазонинг турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамоққа олиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2–5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон

Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

#### **24-модда. Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари**

Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида; ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

#### **30-модда. Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қодалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу Кодекс ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкий аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

#### **35-модда. Маъмурий қамоқ ва махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш**

Маъмурий қамоқ муддати суткалар билан, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати эса – кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

#### **36-модда. Маъмурий жазо қўлланиш муддатлари**

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ашёларни божхона муносабатларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **37-модда. Тугаганидан сўнг шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат**

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

#### **269-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазибалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

#### **270-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **271-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни исгисно этувчи ҳолатлар**

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- 5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш кўзгатирилган бўлса;
- 9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

#### **276-модда. Далиллар**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисида тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

#### **279-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

Ушбу Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳолларда баённома тузилмайди.

#### **280-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар**

Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

#### **281-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг мазмуни**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош торган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

#### **282-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани жўнатиш**

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан

кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

### **283-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳоллар**

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан эса фақат ушбу Кодекс 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди.

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги қвитанция берилади.

Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда ушбу Кодекснинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

### **284-модда. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик қилинган жойда тузиш мумкин бўлмаса, ҳуқуқбузар милиция ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс томонидан милицияга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтирилиши мумкин.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни буг сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнгиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб боровчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек милиция ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни милицияга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар табиатни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа хил мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда

ҳуқуқбузар ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳаракатига барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки милицияга ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.

### **285-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари**

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган мақсадларда шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **286-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

### **287-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин, чунончи:

1) ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 117-моддаларида, 118-моддасининг учинчи қисмида, 121, 122, 123, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 141, 142-моддаларида, 144-моддасининг учинчи қисмида, 146-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 154, 156-моддаларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170-моддасида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>-моддасида, 176<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185, 186, 187, 188, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 192, 194, 195, 198, 199, 201, 203, 204, 205, 209, 210, 218, 220, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида, 228, 240-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – ички ишлар органлари томонидан;

2) ушбу Кодекснинг 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 196<sup>1</sup>, 224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – чегара кўшинлари томонидан;

3) ушбу Кодекснинг 61, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – шу кўрикланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан;

4) Қуролли Кучлар ва чегара кўшинларининг транспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчилари ёки бошқа шахслари ушбу Кодекснинг 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 141-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда – ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

5) ушбу Кодекснинг 60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 77, 79, 81, 82, 83, 84, 90, 91, 92, 93, 94, 162, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

6) ушбу Кодекснинг 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 198, 227, 227<sup>1</sup>–227<sup>27</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда – божхона органлари хизматчилари томонидан;

7) ушбу Кодекснинг 194, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда – ҳарбий патруль томонидан;

8) ушбу Кодекснинг 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг учинчи қисмида, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 176<sup>3</sup>-моддасида, 176<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 186<sup>1</sup>, 198-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан».

### **288-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокуратурага ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокуратуранинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг учинчи қисмида, 170, 183, 184, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 191, 194, 195, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади.

### **289-модда. Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

Шахсни кўриқдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чегара кўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара кўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли ваколати бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган махсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгаллигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита ҳолис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.

Божхона муассасаларида шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш божхонага доир қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **290-модда. Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш**

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар ушбу Кодекснинг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса – сотиб юборилади.

Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Божхона қоидалари ёки солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, башарти ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига, кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб қўйилиб,

талонлар транспорт воситаси ҳайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ва ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 185-моддасида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 221 ва 222-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, милиция ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

### **291-модда. Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш асослари ва тартиби**

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин, чунончи:

а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 128<sup>6</sup>-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халакит берса), 131, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176<sup>3</sup>-моддаларида, 194-моддасида (милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шунингдек қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда – ички ишлар органлари томонидан;

б) Қуролли Кучларнинг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилари ва бошқа шахслари йўл ҳаракати қоидаларини бузганда – ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан;

в) ушбу Кодекснинг 60, 78, 79, 81, 82, 84, 90, 92, 94-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан;

г) ушбу Кодекснинг 198, 227-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан.

д) ушбу Кодекснинг 164, 166, 167, 168, 172, 173, 176, 176<sup>3</sup>, 186<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан.

е) ушбу Кодекснинг 196<sup>1</sup>, 224, 224<sup>1</sup>, 224<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара кўшинларининг мансабдор шахслари томонидан.

Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара кўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **292-модда. Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **293-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари устидан шикоят бериш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

#### **294-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамокқа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш чораларини қўлланиш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона органи томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.



## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
1-боб. МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ СИФАТИДА МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.....	7
II-боб. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	20
III-боб. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАЛАБЛАР.....	33
ХУЛОСА .....	47
Фойдаланилган адабиётлар.....	49
ИЛОВА .....	51

БАХРАМОВ Хожиакбар Хусанович

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ  
МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

*Ўқув қўлланма*

Мухаррир **И. И. Хувайтов**  
Техник муҳаррир **М. Р. исаметова**

Босишга рухсат этилди 02.03.2014. Нашриёт-ҳисоб табағи 3,5.  
Адади 30. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.